

Озиқ-овқат саноати корхоналари фаолиятининг ташкилий-иқтисодий асослари

М.Ш.Маматкулов
“ТИҚХММИ”-МТУ

Аннотация: Мақолада озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи хўжалик юритувчи субъектларда иқтисодий муносабатларни самарали шакллантириш, уларнинг фаолиятини ташкили ва иқтисодий хусусиятларини очиб бериш ва услубиётини тадқиқ этиш, мавжуд муаммоларни ечимлари бўйича илмий мунозаралар ҳамда такомиллаштириш бўйича илмий изланиш натижалари ёритиб берилган.

Калит сўзлар: озиқ-овқат саноатининг хусусиятлари, озиқ-овқат саноатининг ташкилий жиҳатлари, озиқ-овқат саноати корхоналарининг иқтисодий мазмуни ва моҳияти, озиқ-овқат саноати корхоналарининг назарий-услубий асослари.

Organizational and economic foundations of food industry enterprises

M.Sh.Mamatkulov
TIAIMI NRU

Abstract: the article describes the effective and efficient formation of economic relations and economic entities, their organization and economic characteristics, development and research methodology, scientific discussion and problem solving, clarification and verification of the results of scientific research.

Keywords: features of the food industry, organizational aspects of the food industry, the economic content and essence of food industry enterprises, theoretical and methodological foundations of the activities of food industry enterprises.

Қирши

Озиқ-овқат етиштириш соҳасида техник ва технологик жиҳатдан янгилашни, уни янада ривожлантириш масаласи бевосита маҳсулот ишлаб чиқариш ва унинг таннархига таъсир қилади. Шу сабабли маҳсулот таннархини таҳлил қилиш орқали таннархни пасайтириш омилларини ишлаб чиқиш ва уни амалиётга жорий қилиш бўйича изланиш олиб бориш лозим. Натижада қишлоқ хўжалигини ривожланишида озиқ овқат саноати корхоналарининг иқтисодий

салоҳиятини ошириш, маҳсулот ишлаб чиқариш ва таннархи таҳлилини такомиллаштириш ҳамда таҳлилий амалларни аудитор томонидан бажарилишида аудитнинг халқаро стандартлари талаблари асосида ташкил этилиши талаб этилади.

Мамлакатимиздаги озиқ-овқат саноати корхоналарида маҳсулот ишлаб чиқариш, таннархини аниқлаш ва уни таҳлил қилишнинг амалдаги усуллари бир қатор камчиликларга эга. Жумладан, қилинган харажатлар бўйича объектив ахборотларни шакллантириш, маҳсулот таннархини аниқ ҳисоблаш ҳамда ресурслардан самарали фойдаланишни таҳлил қилишда камчиликлар мавжуд бўлиб, бу эса озиқ-овқат саноати корхоналариининг фаолиятига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Кейинги йилларда озиқ овқат саноати корхоналари фаолиятини таҳлил қилиш, унга баҳо бериш ва уни оптимал вариантларда ташкил қилиш, уларда таҳлилнинг ахборот базасини ташкил этиш, унинг услубий асосларини тартибга солувчи меъёрий ҳужжатларни озиқ-овқат саноати корхоналари бўйича ишлаб чиқиш зарурияти кучаймоқда. Иқтисодийни модернизациялаш шароитида озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш харажатлари, маҳсулот таннархи даражасини бевосита таҳлилини амалга ошириш ва тезкор бошқарув қарорларини қабул қилиш, молиявий коэффициентларни ишлаш тамойиллари ва жавобгарлик марказлари бўйича бошқарув таҳлилини ташкил этиш масаласига эҳтиёж борлигини кўрсатади.

Рақамли иқтисодий шароитда мамлакат ривожланишида озиқ-овқат саноати корхоналарида молиявий таҳлилнинг ўзига хос хусусиятини ҳисобга олган ҳолда таҳлил қилиш ва уни амалиётга жорий этиш бўйича иш олиб бориш зарурияти вужудга келади. Ушбу ишларни амалга оширишда молиявий таҳлил натижалари озиқ-овқат саноати корхоналари фаолиятини яхшилаш, моддий-техника ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, бизнес-режаларни тузишда фойдаланиш кераклигини аниқлатади.

Озиқ овқат саноати корхоналарининг ишчи капитали ёки соф жорий активлар билан таъминланиши фермер хўжалигининг тўлов қобилиятини яхшилашига, уларда бўладиган узилишлар озиқ овқат саноати корхоналарини иқтисодий ночорликка олиб келиши мумкин. Бу борада озиқ овқат саноати корхоналарида ишлаб чиқариш харажатларини ҳисоби ва уни таҳлили қилиш, маҳсулот таннархини аниқлашни таҳлилини ташкил қилиш масаласи катта аҳамиятга эга.

Аммо, озиқ-овқат саноати корхоналарида ишлаб чиқариш харажатларини ва маҳсулот таннархини таҳлили масаласи, уни амалга ошириш, молиявий коэффициентларни аниқлаш, баҳолаш ва уларни қўллашни такомиллаштиришни назарий ва услубий жиҳатлари атрофича тадқиқ қилиниб, уни

такомиллаштириш бўйича концептуал йўналишлар ишлаб чиқилмаган. Бу эса бугунги кун талабларига жавоб берадиган илмий тадқиқот ишларини олиб боришни тақозо қилмоқда. Шу жиҳатдан, муаммонинг назарий ва амалий жиҳатдан ҳал қилиниши мазкур мавзунини долзарблигини белгилайди.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Жаҳон миқёсида озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи йирик корпорациялар Nestle, Pepsi, Anheuser-Busch InBev, JBS, Tyson Foods, Archer Daniels Midland, Mars, Cargill, Coca-Cola, Kraft Хауинтс бўлиб, бу корпорациялар ўсимликлардан ингредиентлар олиш, озуқавий соғлиқни сақлаш маҳсулотлари, витамин ва қўшимчалар, гўштга муқобил (гўшт ўрнини босувчи) бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқаришни ўз фаолиятларининг стратегик йўналишлари сифатида белгилаб олишган. 2020 йилда ушбу корпорациялар томонидан қиймати қарийб 549 млрд. АҚШ долларида ортиқроқ бўлган маҳсулот ишлаб чиқарилди [6].

Бугунги глобаллашув шароитида озиқ-овқат саноати корхоналарини ташкилий-иқтисодий бошқарув механизмини кластерли ёндашув ва рақамли технологиялар асосида такомиллаштиришга алоҳида аҳамият берилмоқда. Озиқ-овқат саноати корхоналарида бошқарувнинг ташкилий-иқтисодий механизмини, давлат ва саноат корхоналарининг ўзаро муносабатларини самарали ташкил этишнинг концептуал асосларини такомиллаштириш, озиқ-овқат саноати корхоналарини тармоқ рақобатбардошлигини ошириш стратегияларига асосланган замонавий менежмент тамойиллари асосида мукамаллаштириш бўйича илмий-тадқиқот ишларига жаҳон мамлакатларида алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ҳозирги кунда озиқ-овқат саноати корхоналарида бошқарувнинг рақамли технологиялар, бозор талабларига мослашувчан инновацион ёндашувларга асосланган ташкилий-иқтисодий механизмини яратиш, корхоналар фаолиятини бошқаришда кластерларни шакллантириш каби устувор йўналишларда илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Ўзбекистонда озиқ-овқат саноати корхоналарини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, соҳага имтиёзлар бериш, бошқарув механизмларини такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш бўйича комплекс чоратadbирлар амалга оширилмоқда. Мамлакатимизда "...сифатли озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш, бу борада кафолатланган захирани яратиш ва уларни бозорга узлуксиз етказиб бериш ҳамда нарх-наво барқарорлигини таъминлаш ишларига устувор даражада эътибор қаратилиши" бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган [7].

Мазкур вазифаларнинг ижросини таъминлашда озиқ-овқат саноати корхоналарида бошқарувнинг ташкилий-иқтисодий механизмини

такомиллаштириш бўйича бошқарув механизмининг кластерли ёндашув, рақамли технологиялар ва инновацион фаолиятни ишлаб чиқариш, инфратузилма ҳамда илмий таъминот интеграцияси асосида ривожлантириш каби йўналишларида илмий тадқиқотларни амалга ошириш долзарб масала ҳисобланади.

Ишлаб чиқариш корхоналарининг иқтисодий самарадорлигини янада ошириш, жаҳонда озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талаб ортаётганлигини эътиборга олган ҳолда соҳа фаолиятини такомиллаштириш мақсадида, юртбошимиз Ш.М.Мирзиёев томонидан 2020 йил 18 мартда “Аграр ва озиқ-овқат соҳаларини бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4643-сонли Қарор тасдиқланди. Қарорда “...қишлоқ хўжалигида давлат бошқаруви тизимини ислоҳ қилиш ва янада ривожлантириш, унга замонавий менежмент механизмларини жорий этиш, соҳани рақамлаштириш ишларини жадаллаштириш, озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлигини ва истеъмол рационини яхшилаш, талаб этиладиган миқдордаги озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришни таъминлаш, халқаро бозорларда рақобатбардош, юқори қўшилган қийматли қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат товарлари ишлаб чиқаришни назарда тутувчи қулай агробизнес муҳитини яратиш” [1] каби вазифалар асосий этиб белгиланди.

Озиқ-овқат саноати корхоналари бошқарувининг ташкилий-иқтисодий механизмга уларнинг ташкилий ва иқтисодий жиҳатдан барқарор ривожланишини таъминлашга хизмат қилувчи тамойиллар ва усулларни киритиш мумкин.

Шунингдек, озиқ-овқат саноати корхоналарининг ташкилий-иқтисодий механизмга таъсир этувчи омилларни ҳуқуқий-меъёрий, иқтисодий ҳамда ташкилий гуруҳларга бўлиш зарур. Ҳуқуқий-меъёрий омиллар гуруҳи сифатида қонунчиликда юзага келган ўзгаришлар, иқтисодий омиллар гуруҳи сифатида нарх, солиқ, молия, суғурта, кредит ва иш ҳақи кабиларнинг ўзгариши, ташкилий омиллар гуруҳи сифатида эса бошқарув тизимининг замонавий усул ва услубларини ишлаб чиқиш билан боғлиқ жараёнлар назарда тутилади.

Н.В.Шестериковнинг фикрича, самарали, барқарор ишлаб чиқаришни шакллантириш учун ишлаб чиқариш-иқтисодий тизимнинг (корхонанинг) таркибий ва функционал мазмунини доимий равишда янгилашга қаратилган узоқ муддатли ҳаракатлар режаси деб номланиши керак деб ҳисоблаб, ўзгарувчан ташқи ва ички муҳитда барқарор потенциалга эга бўлган компания ўз фаолиятининг умумий самарадорлигини таъминлайди, ходимлар, ташкилотлар, давлат олдидаги барча мажбуриятларни бажаради, етарли даромад олади ва компаниянинг миссияси, қарашлари ва мақсадларига мувофиқ тегишли харажатларни амалга ошириши талқин этилган [4].

Бироқ, рақобатбардош, корпоратив, функционал, стратегик, инновацион, молиявий ва бошқалар бўлиши мумкин бўлган "барқарорлик" атамасининг моҳиятига эътибор қаратиш лозим. Барқарорлик деганда тизимнинг ташқи таъсирлар таъсирида маълум бир мувозанат ҳолатини сақлаб туриш қобилияти, компания мақсадлари ва ютуқлари, ресурслари, харажатлари, таъсири ва реакциялари ўртасидаги мувозанатни тушуниш жоиз. Бунда статик, динамик, циклик, функционал, ресурс, адаптив-мувозанат ва стратегик барқарорликни ажратиш кўрсатиш мумкин.

С.Б.Алексеев ва Э.А.Тумаковларнинг тадқиқотларида корхонанинг рақобатбардошлиги корхонанинг мақсадли бозорларда рақобатбардош позицияларни яратиш ва қўллаб-қувватлаш, рақобатчиларнинг ҳаракатларига қарамай, омон қолиш ва стратегик мақсадларга эришиш қобилиятининг мураккаб характеристикаси сифатида намоён бўлади [2].

Э.С.Григорян фикрича, стратегик барқарорликни корхонанинг ўзаро боғлиқ бўлган қуйи тизимлари тизими сифатида тушунади, уларнинг ўзаро таъсири корхонанинг рақобатдош устунликлари ва фойдасини сақлаб қолган ҳолда ташқи ва ички муҳитнинг ўзгарувчан шароитларига мослашишини кафолатлайди [3].

Ижтимоий-иқтисодий тизимнинг асосий параметрларининг нисбий ўзгармаслиги, тизимнинг маълум вақт давомида ўзгармас туриш қобилияти кўринишидаги барқарорлик барқарорлик, хавфсизлик, динамик мувозанат, ўз-ўзини ривожлантириш билан боғлиқлигини қайд этади.

Тадқиқот методологияси

Мақолани тайёрлашда озиқ-овқат саноат корхоналари молиявий ҳолати барқарорлиги ва уларнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини ишлаб чиқиш мақсадида, тадқиқотлар олиб бориш ва мавжуд муаммоларни таҳлил қилиш ҳамда бартараф этиш юзасидан тегишли илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш йўналишлари илмий жиҳатдан ўрганилган. Тадқиқотни амалга оширишда индукция, дедукция, солиштирма ва тизимли таҳлил усулларидан фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар

Дунё миқёсидаги турли тенденцияларга қарамай, мамлакатимизда озиқ-овқат ишлаб чиқариш саноати жадал ривожлантирилмоқда. Аҳолини йил давомида мева-сабзавотлар билан узлуксиз таъминлаш мақсадида замонавий иссиқхоналар ташкил этиляпти, боғлар, токзорлар майдони кенгайтирилиб, этиштирилган ҳосилни куз-қиш даврида сифатли сақлаш имконини берадиган омборхоналар барпо этиляпти.

Давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 9 сентябрдаги «Республика озиқ-овқат саноатини жадал ривожлантириш ҳамда аҳолини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлақонли таъминлашга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги

Қарори айнан ана шундай муаммоларни ҳал этишга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Мазкур қарорга кўра, мева-сабзавот, гўшт, сут ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчи корхоналар билан бундай маҳсулотларни қайта ишловчи, тайёрловчи ва реализация қилувчи корхоналар ўртасида ўзаро манфаатли муносабатларни кучайтириш, тадбиркорлик субъектларини ҳар томонлама кўллаб-қувватлаш, маҳаллий озиқ-овқат маҳсулотларининг рақобатбардошлигини ошириш, бундай маҳсулотларнинг экспорт салоҳиятини кенгайтириш ва импорт ҳажмини камайитириш чораларини кўриш вазифалари белгилаб қўйилди.

Корхона бошқарувининг ташкилий-иқтисодий механизми бир қанча гуруҳлар муносабатларини ўз ичига олган мураккаб интеграл тизимдан иборат. Унинг асосий функцияси тадбиркорлик қобилиятини рўёбга чиқариш ва бошқарув бўғинларининг ўзаро таъсирини мувофиқлаштиришдан иборат. Демак, бошқарув самарадорлигини оширишда бошқарув бўғинлари ўртасидаги алоқаларни мувофиқлаштириш, инновацион усуллар асосида ишлаб чиқариш жараёнларини рақобатбардошлигига эришиш зарур.

2020 йил якунига кўра Ўзбекистон Республикасида озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми 42,4 трлн. сўмни ташкил этиб, 2019 йилга нисбатан 19 % га ўсиши кузатилган. Таҳлилларга кўра, март ойида дунё бўйича озиқ-овқат нархлари 2021 йилнинг мос даврига нисбатан 34 фоизга ошган. Айниқса, йил бошидан жаҳон бозорларида буғдой нархи - 20 фоизга, маккажўхори - 19 фоизга, озуқа донлари - 20 фоизга ва ўсимлик ёғи эса - 23 фоизга кўтарилган. Шу билан бирга, Жаҳон бозорида минерал ўғитлар ва ёқилғи нархлари 2 бараварга ошгани сабаб, ҳозирги нарх-наво яна ҳам ошиши мумкинлиги прогноз қилинмоқда [5].

Ҳар бир давлатнинг озиқ-овқат саноати миллий иқтисодиётнинг асосий тармоқларидан бири сифатида кўриб чиқилиши керак, унинг ривожланиш даражаси аҳолининг эҳтиёжларини қондириш учун етарли миқдорда зарур озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминланиш даражасини тўлиқ белгилайди. Бироқ, агар озиқ-овқат маҳсулотларининг асосий турларини истемол қилиш статистикасига эътибор қаратиш лозим. Бундай ҳолат тўғри ва мувозанатли овқатланиш билан боғлиқ қатор муаммоларнинг намоён бўлишига олиб келади, бу эса ўз-ўзидан аҳолининг соғлиғи ва меҳнат қобилиятининг юқори даражасига эришишни шубҳа остига қўяди.

Ушбу ҳолат ихтисослаштирилган ёки озиқ-овқат маҳсулотларини, шунингдек, шифобахш хусусияти билан ажралиб турадиган маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва озиқ-овқат саноати ишлаб чиқаришига мослаштириш заруратини келтириб чиқаради. Ушбу турдаги инновациялар охир-оқибатда

юқоридаги муаммоларни ҳал қилишга қаратилган бўлиши керак ва унинг субъектларида кенг тарқалган касалликларнинг олдини олишга ҳисса қўшиши керак, бу эса ўз навбатида соғлом турмуш тарзи ва умр кўриш давомийлигини ошириш аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашга ёрдам бериши керак.

Озиқ-овқат корхоналарида рўй бераётган ўзгаришлар ва жараён учун маҳсулотларнинг доимий янгиланиши характерлидир. Йирик фирмаларда техник инновацияларни ёйиш мақсадида янги технологияларни босқичма-босқич жорий этиш стратегияси ишлаб чиқилган. Инновацион ғоянинг пайдо бўлишидан тегишли ускунани сотиб олишгача бўлган вақт олти ойдан бир йилгача давом этади. Шу билан бирга, йирик фирмалар одатда янги технологияни жорий этиш бўйича ишлайдиган техник бўлимларни ишлаб чиқдилар, бунинг натижасида янги шароитда инновациялар тезлиги сезиларли даражада тезлашди ва бу жараён бир неча ҳафта давом эта бошлади.

Йирик корхоналар учун эволюцион, яъни босқичма-босқич ўзгаришлар бошқа бўлимларга харажатларни ҳисобдан чиқариш қобилияти туфайли мумкин. Айнан шу барликларнинг барқарорлиги туфайли инновацияларни босқичма-босқич жорий этиш жараёни амалга оширилмоқда. Кичик фирмаларда вазият бироз бошқача.

Янги асбоб-ускуналарни сотиб олиш, ассортиментнинг мослашувчанлиги билан бирга, уларнинг яшаши учун энг муҳим шартлардир. Кўпинча, уларнинг бошқарув стратегияси фақат қатъий ўзига ишонишга асосланади. Кичик фирмалар давом этаётган ўзгаришларнинг аниқроқ мураккаблиги ва анча юқори хавф даражаси билан ажралиб туради. Шу муносабат билан, дастлаб кичик корхоналар ҳали фойдаланилмаган бозор ўринларини эгаллайди, бошқача айтганда, йирик ишлаб чиқарувчилар томонидан ишлаб чиқарилмайдиган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни бошлайди. Бундай тадбирлар камдан-кам ҳолларда битта фирма томонидан амалга оширилади ва шунинг учун кичик корхоналар холдинг таркибига кирганда мумкин.

Корхонанинг универсал ва малакали кадрлари инновацион технологияларни доимий жорий этишнинг зарур шартидир. Бу маҳсулотни ишлаб чиқариш ва уни ишлаб чиқариш ҳажмидаги алоҳида ўзгаришлар билан боғлиқ бўлган инновацияларда энг аниқ намоён бўлади. Шу муносабат билан корхоналар ходимлардан янада мослашувчан фойдаланиш учун меҳнат жамоасининг ўзига хос тузилмасини шакллантириш билан боғлиқ муайян кадрлар сиёсатини амалга оширмоқдалар. Ушбу сиёсат истиқболли ишларнинг мавжудлиги ва унинг барқарор иш ҳақи каби омиллар таъсири туфайли мумкин. Ташқи меҳнат бозоридаги шароитлар фақат энг яхшисини танлайдиган универсал кадрлар тузилмасини шакллантиришга имкон беради, аммо ишчиларни фақат бир муддат доимий иш ҳақисиз касбларни бирлаштиришга ва

ўз малакаларини амалга оширишга мажбурлаш мумкин. Бундай ҳолларда иш жойининг истиқболли омили рол ўйнайди.

Бироқ, кўпинча озиқ-овқат корхоналарида ходимларни қисқартириш шарти сифатида инновациялар билан боғлиқ умидлар оқланмайди. Озиқ-овқат саноати учун ишлаб чиқариш ускуналари кўпинча маҳсулотни йиғиш, қадоқлаш ва ташиш учун қўшимча иш ўринларини яратиш зарурати туфайли ишчилар сонининг кўпайишига олиб келади. Шунини ҳам таъкидлаш керакки, кўпинча битта инновация тўлиқ ишлаб чиқариш циклини амалга ошириш учун бошқаларнинг киритилишига олиб келди.

Озиқ-овқат саноати корхоналари, қолганлари каби, ташқи муҳит таъсирида, шу жумладан давлат томонидан тартибга солиш таъсирида. Демак, озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талаб озиқ-овқат саноати корхоналарига таъсир қилувчи ташқи муҳитнинг энг муҳим омилидир. Ушбу соҳадаги талаб, гарчи уни беқарор деб ҳисоблаш мумкин бўлса-да, лекин ўсиш тенденцияси мавжуд. Хусусан, озиқ-овқат саноати корхоналарининг аксарияти учун талаб маҳсулот сифати ва ҳажмини белгилайди.

Аксарият, озиқ-овқат корхоналарида доимий равишда намоён бўладиган инқироз ҳодисалари ишлаб чиқариш жараёнини рағбатлантиришга олиб келди. Вазиятларнинг бундай комбинацияси ўзларини маҳаллий хом ашё асосида қайта ташкил этишга қодир бўлган ишлаб чиқарувчиларга ижобий таъсир кўрсатди. Шу билан бирга, маҳсулот ишлаб чиқариш учун хом ашё билан эмас, балки ассортиментнинг хилма-хиллигини таъминлайдиган қадоқлаш учун хом ашё ва озиқ-овқат қўшимчалари билан боғлиқ бир қанча муаммолар пайдо бўлди. Инқироз ҳодисалари намоён бўлишининг яна бир натижасини импорт қилинадиган товарларга нисбатан маҳаллий товарларнинг рақобатбардошлигининг ошиши деб аташ мумкин.

Шуни таъкидлаш керакки, оригинал корхона стратегиясини ишлаб чиқишда классик ва инновацион ишланмаларни уйғунлаштириш, олимларнинг тадқиқотлари ва амалиётчилар тажрибасига таяниш муҳимдир. Замонавий илмий ишланмалардаги стратегияларнинг хилма-хиллиги ривожланиш, инвестициялар, менежмент ва маркетинг, тарқатиш, агентлар ва мижозлар билан ўзаро муносабатлар стратегияларини бирлаштириш ва таснифлаш имконини берадиган турли хил қарашлар ва илмий ёндашувларни акс эттиради. Шундай қилиб, корхонанинг фаолият даражаларига кўра корпоратив, бизнес ва функционал стратегиялар ажралиб туради.

1-жадвал

Ўзбекистонда 2010-2021 йилларда озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми бўйича таҳлил [8]

(млрд. сўм)

Кўрсаткичлар	2010 й.	2012 й.	2014 й.	2016 й.	2018 й.	2020 й.	2021 й.
Саноат маҳсулоти ҳажми (жами)	38119,0	57552,5	84011,6	111869,4	235340,7	368740,2	451633,9
жумладан: озиқ-овқат маҳсулотлари-ни ишлаб чиқариш	5521,5	8610,6	14387,2	22400,5	25256,0	42314,9	51094,4
% ҳисобида улуши	14,5	15,0	17,1	20,0	10,7	11,5	11,3



2-чизма. Саноат ва озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг ўсиш динамикаси

Корхона фаолиятининг барқарорлиги асосий мижозларга тобора ортиб бораётган эътибор, мижозларга эътибор қаратиш, барча бизнес бўлинмаларини стратегик бошқариш ва ривожлантиришда жамиятга ёрдам бериш ва хизмат кўрсатиш қобилиятига боғлиқ деб ҳисобланади.

Рақобатбардошликни, иқтисодий салоҳиятни, мижозларга йўналтирилганликни ва беқарор шароитларда коммуникацияларни бошқариш самарадорлигини оширишда маркетингнинг муҳимлигини таъкидлайди. Рақобатбардошликни ошириш, инновацион фаоллик, барқарор имидж ва бозор барқарорлигини ошириш жараёнининг синергиясига, бошқарувда яхлит маркетингнинг ролига, бозорда шериклар, рақобатчилар ва мижозлар билан муносабатларни ўрнатишга эътибор қаратади.



3-чизма. Озиқ-овқат маҳсулотларининг саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмига нисбатан ўзгариши динамикаси

1-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, Ўзбекистонда 2010-2021 йиллар мобайнида озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми ортиб борган бўлсада, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш таркибида эса, бир оз пасайишни кузатиш мумкин, яъни қуйидаги 3-чизмада озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмига нисбатан ўзгариши динамикаси келтирилган бўлиб, ундаги натижалар 2010 йилга нисбатан 2016 йилда 5,5 %га ўсишни кузатиш мумкин, 2016 йилга нисбатан 2021 йилда эса, 8,7 %га пасайишни кўриш мумкин.

Хулоса ва таклифлар

Ўзбекистон Республикаси озиқ-овқат саноати корхоналари фаолиятини таҳлил қилиш ва молиявий коэффициентларни баҳолаш ва молиявий таҳлиллар ўтказиш натижасида озиқ-овқат саноати корхоналари фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган таклифлардан озиқ-овқат саноати корхоналари фаолиятига баҳо беришда фойдаланиши мақсадга мувофиқдир. Ушбу таҳлил натижаларини озиқ-овқат саноати корхоналарида маҳсулот ишлаб чиқариш харажатларини халқаро ва миллий стандартлар ҳамда “Маҳсулот (иш ва хизматлар)ларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида”ги Низомга мос равишда туркумлаштириш, ҳисобга олиш, маҳсулот ишлаб чиқариш таннархини аниқлаш ҳамда маҳсулот таннархини пасайтиришда юзага келаётган муоммоларни ижобий ҳал этишда салмоқли ҳисса қўшиш, маҳсулот таннархи таҳлилини такомиллаштириш имконини беради.

Озиқ-овқат саноати корхоналарининг рақобатбардошлигини таъминлашда ташкилий-иқтисодий механизмни самарали ташкил этиш бўйича қуйидаги тадбирларни олиб бориш таклиф этилади:

- корхонадаги бўлимлар фаолиятини ўзаро мувофиқлаштиришда бири-бирига боғлиқ тизимлар шаклида тузилмани шакллантириш;

- маҳсулот сифатини оширишга таъсир этувчи халқаро сифат менежментини жорий этиш;
- корхоналарда мунтазам турли таҳлил усулларидан фойдаланган ҳолда хавфлар ва рискларни тадқиқ этиш;
- ахборотлар оқимини самарали ташкил этишда замонавий ахборот технологиялардан фойдаланиш;
- инвесторлар билан самарали битимлар тузиш, инвестиция киритиш ҳамда инновацион фаолиятни ривожлантириш;
- озиқ-овқат маҳсулотларини ассортиментлари устида илмий тадқиқот ишларини олиб бориш орқали диверсификациялашув жараёнига эришиш;
- корхоналар доимий равишда бошқарув самарадорлигини аниқлаши, йўл қўйилаётган камчилик ва муаммолар бўйича оператив қарорлар қабул қилиш тизимини мунтазам такомиллаштириш.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 мартдаги “Аграр ва озиқ-овқат соҳаларини бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4643-сонли Қарори.
2. Алексеев С.Б., Тумаков Е.А. Механизм формирования и выбора стратегий конкурентной устойчивости предприятия // Научно-технические ведомости Санкт-Петербургского государственного политехнического университета. Экономические науки. 2017. №4. - С. 9-18.
3. Григорян Е.С. Иерархическая модель факторов стратегической устойчивости промышленных предприятий // АНИ: экономика и управление. 2016. №3 (16). С. 104-106.
4. Шестерикова Н.В. Формирование стратегии устойчивого развития предприятия на основе системы сбалансированных показателей // автореф. дисс. к.э.н. - Нижний Новгород. 2009. – С. 13